



АДОЛАТ

Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий газетаси

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган 1999 йил, 24 декабрь, № 41 (234) Жума кунлари чиқади Сотувда эркин нархда

ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ САМАРҚАНДЛИК САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВИ

Фидокорлар миллий демократик партиясидаги Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоди кўрсатилган Ислон Каримов 22 декабр кун Самарқанд вилояти сайловчилари билан учрашди.

Учрашуви Ўзбекистон Президенти сайловини ўтказувчи 7-Самарқанд округ сайлов комиссиясининг раиси Рустам Холмуродов оқди.

Президентликка номзоднинг ишончли вакили, республика «Маънавият ва маърифат» маркази вилоят бўлими масъул котиби Сайминазар Каримов учрашув қатнашчиларини Ислон Каримовнинг таржимаи ҳоли ва сайловда дастури билан таништирди. Нотиқ ўз сузида мамлакатимизнинг истиқлолга эришиши, халқимиз орзуларининг ушалиши, юртимизда амалга оширилаётган кенг миқёсдаги яратувчилик, бунёдкорлик ишларини Ислон Каримов номи билан чамбарчас боғлиқ эканлигини таъкидлади.

Учрашувда Ислон Каримов нутқ сузлади. Давлатимиз раҳбари ўз сузида кейинги йилларда вилоятда кўптармоқли саноат ривожига билан бирга, кишлоқ ҳужалиги барқарор суръатларда усаётганини алоҳида таъкидлади. Вилоят деҳқонлари пахта ва галла тайёрлаш шартнома режаларини сунгги икки йил давомида биринчилар қаторида бажариб келаятигининг ўзи бунинг яққол тасдиқи ва ифодасидир.

Кейинги йилларда вилоятда мамлакатимиз халқ ҳужалигига янги тармок ҳисобланган корхоналар барпо этилаётгани хусусида гапирар экан, Ислон Каримов туркиялик ишбилармонлар билан ҳамкорликда ташкил этилган «СамКочавто» қўшма корхонаси фаолиятига тўхталди.

Вилоятда ўз маҳсулотини дунё бозорига чиқаришни кузлаб ишлайётган бундай корхоналар оз эмас. Бугунги кунда бу ерда жами 85 та қўшма корхона фаолият юритмоқда.

Буюк аждодларимиз шавкатининг боқий тимсоли булган азим Самарқандни янада обод этиш йўлида амалга оширилган ишларга тўхталиб, Ислон Каримов бу эзгу ишлар ҳали келажак авлодлар томонидан эсланиши, узининг муносиб баҳосини олишига ишонч билдирди. Соҳибқирон Амир Темурнинг макбараси таниб бўлмас даражада узгаргани, муҳаддислар султони Имом Бухорий хотирасига улкан ёдгорлик ташкил этилган «СамКочавто» қўшма корхонаси фаолиятига тўхталди.

Мамлакатимиз раҳбари қайд этганидек, муҳим ижтимоий аҳамиятга эга булган устувор вазифаларни адо этиш учун, аввало, одамларни уюштириш ва сафарбар этиш юзасидан катта ишларни амалга ошириш лозим. Айни пайтда кузлаган бу мақсадларимизни рўйбга чиқариш учун, авало, маблағ, сарфматларнинг манбаи эса, меҳнатни юксак унум ва самара берадиган тарзда ташкил этиш, замонавий ислохотларни кенг миқёсда амалга оширишдан иборат.

Бугун халқимиз, мамлакатимиз буюк узғаришлар арафасида турибди. Ёнг қувончли шундаки, биз янги асрга озод ва эркин халқ, мустақил ва қудратли давлат бўлиб кириб бормоқдамиз.

Ислон Каримов янги юз йиллик халқимиз учун чинакам юксалиш асри, саодат асри бўлишига ишонч билдирди.

Учрашувда сузга чиққан Сиб туманидаги Ислон Каримов таҳсил олган 21-урта мактабнинг собиқ директори, 87 ёшли меҳнат фахрийси, Халим Абдурахмонов, Пахтачи туманидаги Р. Маҳманов номи хўжалик галлачилик бригадаси бошлиғи, Ўзбекистон Қаҳрамони Душмурод Абдуллаев, Челақ туманидаги Имом ал-Бухорий масжид-мадраса имомхатиби Усмонхон Алимов, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими масъул котиби Хосият Бомуродова, халқ артисти Таънаберди Қурбонов Ислон Каримовнинг Ватан ва халқ олдидаги улкан хизматларини таъкидлаб, 2000 йил 9 январда сайловчиларнинг унинг номзоди учун овоз беришга даъват этдилар.

Мусулмон НАМОЗОВ, Хамза ШУКУРОВ, Ўза мухбирлари.



Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамблеяси узининг 17 декабрдаги мажлисида Тошкент декларациясини узоқ истиқболга мулжалланган кенг қамровли сиёсий ҳужжат ва ички афгон барқарорлигининг инсонпарварлик жиҳатларини ўзида мужассамлаштирган сиёсий ҳужжат мақоми этиб белгиланди.

Москвада МДХ мамлакатлари муҳофаза вазирларининг учрашуви бўлиб ўтди.

Тожикистоннинг янги Бош вазири этиб Оқил Оқилев тайинланди.

Италия Бош вазири Массимо Далео истеъфога чиқишини эълон қилди. Бу — иккинчи жаҳон урушидан сўнг Италия ҳукуматининг 56-маротаба истеъфога чиқишидир.

МДХнинг ижрочи котиби Ю. Яров ташриф билан Грузияда бўлди. Унинг Грузия Президенти Эдуард Шеварднадзе билан учрашуви чоғида Россия билан Грузия уртасида виза режими жорий этиш масаласи муҳокама этилди.

Исроил Бош вазири Ёхуд Барак Фаластин мухторияти раҳбари Ёсир Арофат билан ўтказилиши мулжалланган учрашуви қолдирилганини хабар қилди.

«Янги Озарбайжон» партиясининг курултойида Озарбайжон Президенти Хайдар Алиевнинг ўғли — 39 ёшли Илҳом Алиев ушбу партия ижроия қўмитасининг раиси этиб сайланди. Айрим кузатувчиларнинг фикрича, ана шу лавозим Илҳом Алиев учун атайлаб жорий этилган. Бинобарин шундай қилиб отадан ўғилга ҳокимиятни олиб беришининг бош жараёни бошланган.

Президентликка сайловдаги жараёни кетаётган пайтда Шри-Ланка Президенти Чандрика Кумаратунга хонимининг ҳаётига суиксад қилинди. Бунинг натижасида давлат раҳбари кўзидан яраланиб, касалхонада тезда операция қилинган, 20 дан ортиқ киши ҳалок бўлган, 100 га яқин одам жароҳатланган. Шунга қарамай Шри-Ланкада кеча сайловлар бошланган. Мамлакат Президенти фуқароларни оқошталлиқни сақлашга қарор қилган.

Пекинда Европа Иттифоқининг юксак мартабали делегацияси меҳмон бўлиб турибди. Бу — узоқ муддат мобайнида Хитой билан Европа Иттифоқи уртасида ўтказилаётган иккинчи музокаралардир. Бу ерда гап ХХРнинг Жаҳон савдо ташкилотига кириши хусусида бормоқда.

Ленинград вилоятидаги рухий-асаб касалликлари диспансерида содир бўлган ёнғин оқибатида 16 киши ҳалок бўлди, йигирмадан зиёд одам жароҳатланди, етти киши бедарак йўқолди. 1937 йилда қурилган бионининг ёниб кетиши сабаблари аниқланмоқда.

Деҳлида заргарлик буюмлари ва соатларининг туртинчи халқаро курғазмаси очилади.

Индонезиянинг Ириан Жая вилоятида кучли ер силкиниши юз берди. Ер силкинишлари Рихтер ўлчови бўйича 6,1 баллни ташкил этган.

Қаҳдан ташқари куп кабохўрлик рақ хас-талигига олиб келиши мумкин, деган хулосага келишди австралиялик мутахассислар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови



Мамлакатимиз халқи ўта муҳим ижтимоий-сиёсий аҳамиятга молик воқеа — 2000 йил, 9 январь кун бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлов арасида турибди. Кенг жамоатчилик вакиллари, ташкилот ва корхоналар ходимлари бўлажак сайловларда Ислон Абдуғаниевич Каримовнинг номзодини қўллаб-қувватлаб митинг ва йиғилишлар ўтказишмоқда.

Шундай тадбирлардан бири 9 декабрь кун Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг мажлислар залида Республика Олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси вакиллари иштирокида бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Фанлар академияси Президенти Тухтамурад Жураев митингнинг очиб, йиғилишларга қўйилган сузлар билан муносабат қилди. — Сунгги ўн йил ичида Республикаимизнинг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, маданий-маърифий ҳаётида содир булган улкан ҳодисаларнинг, ислохотларнинг барчаси, бекисисно равишда, Президентимизнинг ташаббуси, курсатмалари ва бевосита раҳбарлиги остида амалга оширилмоқда, саноат, кишлоқ ҳужалиги, фан ва техника соҳаларида эришилган ва эришилаётган улкан ютуқларимиз юртбошимиз номи билан боғлиқдир.

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг биринчи котиби Турғунпулат Даминов ўз сузида, ҳар бир халқнинг тақдирини ҳал бўладиган тарихий буюклиш нукталарида унга узининг буюк фарзандлари оталиқ қилади ва бунга тарихда мисоллар кўлдири, — деб эслатиб ўтди. — Жаҳон Амир

Равшан ХАЙДАРОВ.

ҚАЛБ АМРИ

Мустақил тараққиёт ва дунё билан ҳамнафас яшаш тамойили асосида ривожланиб бораётган республикамизда 2000 йил 9 январда Ўзбекистон Президентлигига навбатдаги сайлов бўлиб ўтади. Ушбу сайлов юртимизнинг мустақиллик даврида демократия ботида ортирган таъхирларини, демократик тамойиллар ҳаётига қанчалик кириб бораётганини, аҳолининг сиёсий савияси нечоғли юксалишини бутун дунёга яна бир кўрсатадиган имконият бўлади.

Бунга яқинда республика Олий Мажлисида бўлиб ўтган сайловлар яққол кўрсатди. Марказий Сайлов комиссияси раиси Нахмиддин Комиллов бўлиб ўтган сайловлар якунига бағишланган матбуот конференциясида юртимизда парламент сайлови қонуни асосида, ҳеч қандай ноирни хатти-ҳаракатларсиз ўтганини таъкидлаганларида халқимизнинг сиёсий, ҳуқуқий савияси ошганлигини яна бир қарра амин бўлд.

Худо хоҳласа, Президент сайлови ҳам тинч, оқошншта, демократик тамойиллар асосида ўтади. Бунга шубҳам йўқ. Чунки Президентимиз Ислон Каримовнинг қарийб тўққиз йил мобайнида олиб бораётган доно сиесати, бунёдкорлик ишлари халқимиз кўнглидан чўқур жой олган десам асло янглишмайман. Мен педагогман. Туман халқ таълими бўлимига ўн беш йилдан ортиқроқ вақтдан бери раҳбарлик қиламан. Шу давр мобайнида бошқа соҳалар қатори халқ таълими йўналишида ҳам жиддий ишчилик уюшаришлар бўлди. Илм-фан, таълим ва маърифатнинг, шунингдек, мазкур соҳаларда меҳнат қилувчи олим, мураббий ва тарғиботчиларнинг маъқоли ошди. Шу туфайли ҳам ўқитувчиларнинг билим даражаси кенгайди, у ёки бу фанларни чўқур оғаллай бошлади. Кўпчилик иштидорли ишларнинг чет элларда таълим олаётганлиги бунинг исботидир.

Исмаил НАБИЕВ, Ургант туман халқ таълими бўлими мудири.

БҲҲҲ ХАЛҚИМ

Олам аро кўз-кўз этган Ўзбекимиз,
Хурриятини — ҳур ниъатини, ўзгичмиз.
Музаффар ва ғалиб кўрдим ўз туғилиш —
Юртбошимизга овоз беринг, буюк халқим.

Ўзбекистон — пешонаси ёруғ юрт бу,
Фохр айла, забони ҳам қутлуғ юрт бу.
Тангри ўзи ёрлаққан — улуг юрт бу —
Юртбошимизга овоз беринг, буюк халқим.

Элнинг тинчлик, фароғатини истасангиз,
Фарзандиңиз қамолотини истасангиз.
«Гулла — яшна, Ҳумоси бор — юрт!» десангиз —
Юртбошимизга овоз беринг, буюк халқим!!!
Абдували ҒУЛОММАХМУДОВ,
Миллатлараро инженерлик академияси академиги.



— Сен кимга овоз бермоқчисан, жўра?
— Албатта раҳнамойимиз Ислон Каримовга-да!

Ажаб савдолар

«Танқидий мақола ёзиладими, фелъетон қилинадими, бу мухбирларнинг вазифаси. Аммо, сиз республика матбуотида кутариб чиқмоқчи булган муаммо узоғи билан ўн беш кунда ижобий ҳал этилади. Бизга ишонавринг, маргилонлик раҳбарлар сўз бердимиз, албатта бажаради. Ахир, шаҳар кучалари хуснига доғ бўлиб тушаётган ахлатларни ўз вақтида олиш, ахлат ташлайдиган жойларни тартибга солиш узимизнинг ишимизку!»

Юқоридаги мулоқот бундан бир йил аввал Маргилон шаҳар ҳокими Абдуваҳоб Рузиев билан бўлиб ўтганди. Тўғриси, унинг самимий сузларига ишонгандик. Утган ҳафта яна Маргилонда бўлдик. Унга ишониб адашган эканмиз.

Маргилонликлар азал-азалдан миллий кадриятларни улуглашга, илмий удулларга кўпроқ амал қилишга одатланган. Шаҳар аҳлининг ёш қариси хунармандчилик, савдо-сотик, хуллас, эрталабдан кайфияти бундай. Кейинги йилларда нафақат шаҳарга келган меҳмонлар, ҳатто, маргилонликларнинг узлари ҳам кучаларнинг транспортлар ҳаракатланувчи қисмига палла-партиш ташлаб кетилган ахлат уюмларидан безор бўлишган. Шаҳарнинг Навоий кўчасида жойлашган 2-болалар поликлиникаси деворлари билан туташиб кетган ахлат уюмларини тасвирлаб дилиңизни хи-ра қилмай қўя қолайлик. Шифохона мудирю, тиб-биёт ходимлари ахлат ташлаш жойини бошқа ерга қучириш ҳақида тегишли ташкилотларга айтавериб чарчадилар. Поликлиника тўққиз ярим мингдан ортиқ етти ёшгача булган болаларга тиббий хизмат курсатади. Кундузги даволаш бў-ган маълумотига қараганда, Маргилонда сарик, уткир диарея, юқумли дизентерия, салмонилот касалликлари камаймаётгани ташвишли.

Мустақиллик кучасида жойлашган «Урам» чойхона-тайдиган бекат бекат эмас, ахлатхона. Кучаларнинг ўзи тор, устига-устак ярмага ахлат тўкилган...

Хуллас, шаҳарнинг қайси жойига борманг бундай ташвишли ахволдан ранжийсиз.

Агар ёдингизда булса Ўз-

бекистон телевидениесида машхур журналист Маҳмадхон Обидов Маргилон шаҳридаги ахлатлар вақтида тулук ва тозалаб олинмаслигини, ободчиликка эътибор сусайиб кетганини кескин танқид қилганди. Миллионлаб телетомошбинлар шаҳар ҳокими Абдуваҳоб Рузиевнинг ахволни ўнглаш хусусидаги фикрларини ҳам тинглашганди. Минг афсуски, ахвол деярли узгармади. Ҳоким жанобларининг ваъдалари ваъдалигича қоларди.

Ўзбекистон Олий Мажлиси ишчи гуруҳи ўтказган текшириш натижалари утган йили Олий Мажлис йиғилишида муҳокама этилиб, Маргилон шаҳар ахлатхоналарида чиқиндиларни ташлаш ва зарарсизлантиришда талайгина камчиликлар борлиги, ахлатхонанинг ахволи экологик ҳолатга таъсир этаятгани кескин танқид остига олинганди. Оддий фуқароми, маҳалла оқсоқолими, раҳбарми, ҳокимми, қуйинг-ки, ўзини шу азиз юртининг фарзанди деб биладиган ҳар бир киши эли, юрти фаровонлиги, ўзи истиқомат қилаётган жойининг ободончилиги ва покизалиги учун сидқидилдан хизмат қилиши ҳам фарз, ҳам қарз.

Юзимнинг қаттиғи, жонимнинг ҳузури қабилида бу тутаятган Маргилон шаҳар раҳбарлари қачон бу ишнинг уддасидан чиқадилар?!

Дилмурод ҚИРФИЗОВ, «Адолат»нинг махсус мухбири.

УЙ ЖОЙЛАРИ ОЙ-ОЙ, КЎЧАЛАРИ ВОЙ-ВОЙ...

ёки МАРГИЛОН ШАҲАР ҲОКИМИНИНГ ЁЛҒОН ВАЪДАЛАРИ ХУСУСИДА

лимида ўн беш бемор ўрни бор. Аммо улар ахлат хидидан безор. Ит-мушуклар ахлат титқилаб у ёқдан бу ёққа санқиб юради. Ахлат-ташланадиган жойининг ёнғинасида гушт дукони бор. 30-озик-овқат дукони ҳам шу ерда жойлашган. Бу ёғни узингиз хулоса қилаверинг.

Одамларга ҳам ҳайронсан, ҳатто суйилган чорва молларининг ички аъзоларию, чиқитлари ва қонини ҳам шу ерга ташлаб кетишади.

Мутахассисларнинг бер-

